

# **Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ва камбағаллик муаммолари**

**Ганиев Муҳаммаджон Халилович**

Ўзбекистон, Наманган муҳандислик-технология  
институти катта ўқитувчиси и.ф.н.  
ganiyev.1974@inbox.ru

## **Аннотация**

Мазкур мақолада аҳоли даромадлари таркиби, даромадларни шаклланиши, даромадларни харид қобилияти, даромадларни ўзгарувчанлиги ва камбағаллик муаммолари статистик маълумотлари асосида ёритилган. Ўзбекистонда узоқ йиллар кам ўрганилган аҳолининг камбағаллик ҳолати даромадлар боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган. Давлатнинг ижтимоий сиёсатида 2020 йилдан бошлаб камбағалликни камайтириш муҳим вазифа қилиб белгиланганлигига алоҳида аҳамият берилган. Мамлакатда камбағаллик даражасини аниқлашда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда миллий камбағаллик чегарасини белгилаш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган аниқ бир дастур тайёрлаш зарурлигини таъкиф этилган. Оддийроқ қилиб айтганда, кимларни камбағал тоифасига киритиш ёки чиқариш, ижтимоий ҳимоя механизмлари аниқ белгиланмаган. Мақолада камбағаллик ва аҳоли даромадлари республика вилоятлари кесимида статистик маълумотлар билан ўрганилган, муаммолар аниқланган ва таҳлил қилинган.

## **Калит сўзлар**

Даромад, оилавий тадбиркорлик, умумий даромад, реал даромад, бозор иқтисодиётида тақсимот, камбағаллик категорияси, камбағаллик мезонлари, кашшоқлик чегараси, ижтимоий сиёсат, оддий камбағаллар, ўта камбағаллар, кашшоқлар, камбағаллик тузоғи, ижтимоий ҳимоя механизмлари, иш ҳақи ва истеъмол саватчаси.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини барпо этиш жараёни мураккаб кечиб, иқтисодий ўсишга эришиш билан бирга

иқтисодий қийинчиликлар ҳам рўй бермоқда. Чунки, ҳалқаро тажрибадан маълумки бозор муносабатларига қийинчиликларсиз, муаммоларсиз силлиққина ўтиб бўлмайди. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида камбағаллик муаммосини камайтириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилашда аҳоли даромадларини ўстириш, уларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун давлатнинг ижтимоий сиёсати орқали даромадларни оширишга, камбағалликни қисқартиришга, одамларнинг меҳнатдаги фаоллигини ва тадбиркорлигини ўстиришга шарт-шароит яратилади. Бундай сиёсат айти вақтда Президент Ш. Мирзиёев томонидан қатъий олиб борилмоқда.

Аҳоли даромадлари ва камбағаллик муаммоси, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда камбағалликни қисқартириш юзасидан бир қатор олимлар тадқиқот олиб борганлар. Айтиқса, Нобель мукофоти совриндори Амартия Сен[1] асарларида аҳоли фаровонлигига эришиш, камбағалликни келиб чиқиш сабаблари, камбағалликни камайтириш учун билиш эгаллаш, узоқ умр кўриш, касалликлардан ҳоли бўлиш ва бошқа имкониятларни инсонларга яратиш зарурлиги батафсил таҳсил этилган. Шунингдек, Даниялик олим Геста Эспинг-Андерсон[2], америкалик олим Джеффри Сакс[3] ва бошқа олимлар томонидан камбағаллик масаласи мавжуд ижтимоий-иқтисодий тизим муаммолари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилган. Россияда Л. Абалкин, П.В. Савченко, Ю.П. Кокина[4] илмий ишларида аҳоли даромадлари билан боғлиқ бўлган фикрлар илгари сурилган. Мазкур масалаларнинг Ўзбекистонга хос бўлган айрим жиҳатлари А.А. Абдуғаниев, Ш.Ш. Шодмонов, Қ. Абдурахмонов, А. Ўлмасов, Х.П. Абулқосимов[5], Р.Р. Хасанов[6] ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва камбағалликни камайтириб топиладиган даромадга бевосита боғлиқ бўлади. Аҳоли фаровонлигини ўсиши одатда реал даромад билан изоҳланади. Даромад-бу форсча сўз бўлиб, кирим, кириш деган маънони англатади. У бирор фаолият эвазига олинадиган пул, фойда, бойлик маъносини англатади[7]. Одатда даромад пул

билан ўлчанади. Бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси, афзаллиги даромадларни чекланмаслигидир. Бу инсон табиатига мос келади, чунки инсон доимо фаровон яшашга интилади. Фаровонликнинг асосий шарти даромадга эга бўлиш ҳисобланади. Аҳоли даромадлари таркибини 4 та гуруҳга бўлиш мумкин:

1.Ишловчиларни меҳнат қилиб топган даромадлари (иш ҳақи, мукофот ва бошқалар)

2.Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад

3.Ижтимоий даромадлар (трансферт тўловлари, ишсизлик нафақалари ва хк.)

4. Мулкдан олинган даромадлар (омонат пулларига олинган фоизлар, рента ва хк).

Бугунги кунда аҳоли даромадларининг даражаси ва динамикасини баҳолаш учун номинал, шахс ихтиёридаги даромад, реал даромад кўрсаткичларидан фойдаланилади. Номинал даромад маълум вақт давомида алоҳида шахслар томонидан олинган пул шаклидаги даромаддир. Реал даромад эса маълум бир вақт ичида шахс ихтиёридаги даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматларнинг миқдорини ифодалайди, у эса нархлар ўзгаришига боғлиқ бўлади.Ўзбекистонда кейинги йилларда аҳолининг умумий даромадлари ортиб бормоқда 1-жадвал. Жадвалдан кўринадикки, аҳоли хонадонларидабирламчи даромадлар 2013-2018 йиллар давомида нотекис ўзгарган. Бирламчи даромадлар бу бозор даромадлари ҳисобланади. Агар 2013 йилда аҳоли бирламчи даромадлари 73,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 76,1 фоизни ташкил этиб, ўсиш кузатилади. Лекин 2016 йилда 84,0 фоиздан 2018 йил 76,1 фоизни ташкил қилиб камайган. Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар ҳам 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 7,9 фоизга пасайиб борган.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг умумий даромадлари[8].**

№	Кўрсаткичлар номи	2013	2014	2015	2016	2017	2018
---	-------------------	------	------	------	------	------	------

		й.	й.	й.	й.	й.	й.
	<b>Умумий даромадлар-жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
	Шу жумладан:						
<b>I</b>	<b>Бирламчи даромадлар</b>	<b>73,0</b>	<b>75,6</b>	<b>83,1</b>	<b>84,0</b>	<b>79,1</b>	<b>76,1</b>
	шундан:						
1.	Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	70,3	73,2	80,8	80,9	75,8	73,0
2	Мол-мулкдан олинган даромадлар	2,8	2,4	2,3	3,1	3,4	3,1
<b>II</b>	<b>Транфертлардан даромадлар</b>	<b>27,0</b>	<b>24,4</b>	<b>16,9</b>	<b>16,0</b>	<b>20,9</b>	<b>23,9</b>

Мол-мулкдан олинган даромадлар 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 0,3 фоизга қисқарган. 2019 йилда трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши Хоразм ва Самарқанд вилоятларида аҳоли умумий даромадларига нисбатан 30 фоиздан юқорини ташкил этган бўлса, Навоий вилоятида мазкур даромад турининг улуши паст яъни, 13,5 фоизни ташкил этди[9].

**Ўзбекистонда ўртачаойлик нафақаларваминимал нафақаларнингдинамикаси: 2016-2019 йиллар[10]**

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019
Ўртачаойликнафақа				
Сўмда	494,2	556,8	640,5	701,7
АҚШ долларарида	164,0	98,1*	78,0	78,7
Минималнафақа				
Сўмда	292,9	336,9	396,5	436,2
АҚШ долларарида	97,1	59,4	48,2	49,0

\*2017 йил 5 сентябрдан валюта ислохотларинатижасида доллар курсииккибараваргаошган.

Аҳоли даромадларидаги асосий муаммо белгиланган ўртача ойлик нафақалар инфляция шароитида камбағаллик чегарасидан ҳам паст бўлиб,

истеъмол харажатларини ҳам қоплай олмаслигидир 2-жадвал. Ўтган тўрт йиллик кўрсаткичлардан кўринадик, ўртача ойлик нафақа 2016 йилда 494,2 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 701,7 минг сўмни ташкил этган ёки 78,7 АҚШ долларини ташкил қилади. Бу масаладаги яна бир муаммо “Истеъмол саватча”сининг таркиби ва уни ҳисоблаш бўйича аниқ механизмнинг йўқлиги ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳоли даромадларини умумий кўрсаткичларида ўзгаришлар кузатилади. Жумладан, аҳолининг умумий даромадлари 2013 йилда 101661,2 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 282762,5 млрд сўмга етган ёки 181101,3 млрд. сўмга, 2019 йилда эса аҳолининг умумий даромадлари 344,7 трлн. сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига умумий даромадлар эса 10266,1 минг сўмни, реал ўсиш суръати 104,5 фоизни ташкил этди. Ўрганилган 6 йил мобайнида нотекис ҳолатни яъни 2013 йилдан 2015 йилгача ўтган йилга нисбатан 123,7 фоиздан 112,0 ўсиш рўй берган, аммо умумий фоизларда 11,7 фоизга пасайиш бўлган. 2016 йилдан 2018 йилгача яна кўтарилиш рўй берган. Аҳолининг жон бошига умумий даромадлари 2013 йилда 3361,5 минг сўмдан 2018 йилда 8580,0 минг сўмга етган. Бу кўрсаткичларни 12 ойга бўлиб кўрилса, катта натижалар кўзга ташланмайди.

Хусусан, 2018 йилда аҳоли жон бошига йилига 8580,0 минг сўм даромадни 12 ойга бўлинса 790,0 минг сўмни ёки марказий банк томонидан АҚШ долларига белгилаган курс билан аниқланса 800 доллар атрофида бўлади. Инфляция шароитида аҳоли реал умумий даромадлари 2013 йилда 95028,2 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда 2018 йилда бу кўрсаткич 240587,5 млрд сўмни ташкил қилган ёки 145559,3 млрд. сўмга ошган. Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар 2013 йилда 3142,1 минг сўм, 2018 йилда эса 7300,2 минг ташкил қилиб кўпайиб борган. Пул инфляцияси йилига 12-15 фоиз бўлган шароитда аҳолини жон бошига умумий даромадларини харид қобилияти пасайиб боришига салбий таъсир қилган.

Амалиётда истеъмол товарлар индексининг ўзгариши бўйича ҳисобланадиган инфляция даражаси истеъмол саватчасидаги товар ва хизматлар нархларининг ўртача ўзгариш суръатларини акс эттиради. Истеъмол товарлар индексини ҳисоблашда фойдаланилган товар ва хизматлар нархи бу мамлакат бўйлаб чакана савдо дўконларидан олинган ўртача нархлар бўлиб, иқтисодиётдаги товар ва хизматларнинг умумий нархлар даражасини кенг қамровда ўлчашга имкон беради.

Мамлакатимизда 2019 йил ҳудудий инфляция республика ҳудудлари бўйича йиғилган истеъмол товарлар индекси статистикаси билан таққосланганда ўзига хос тафовутлар кўзга ташланди 3-жадвал.

3-жадвал

**Ўзбекистон республикаси ҳудудлар кесимида 2019 йилда даромадлар даражасининг асосий кўрсаткичлари ва инфляция**

№	Ҳудудлар	Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми (млн. сўм)	ИНИ бўйича 2019 йил учун инфляция даражаси %			
			Умумий инфляция	Озиқ-овқат товарлар	Ноозиқ-овқат товарлар	Хизматлар
1	Тошкент	20,0	16,6	20,7	11,3	16,5
2	Навоий	16,4	12,9	13,7	9,1	17,4
3	Бухоро	12,7	15,9	20,9	10,1	14,8
4	Хоразм	10,8	15,0	18,3	11,3	14,1
5	Тошкент вилояти	10,9	15,3	18,5	10,6	16,3
6	Андижон	9,7	15,4	19,0	9,6	17,3
7	Жиззах	9,4	15,5	18,7	9,7	18,4
8	Сирдарё	9,2	16,0	18,8	12,8	15,5
9	Самарқанд	9,1	13,9	17,7	9,2	14,1
10	Қашқадарё	8,8	15,8	17,0	14,9	14,9
11	Сурхондарё	8,7	14,6	18,4	10,3	13,9
12	Наманган	8,0	15,1	17,9	12,4	14,0
13	Фарғона	7,9	15,0	18,8	11,9	12,5
14	Қорақалпоғистон республикаси	7,8	14,6	19,3	8,6	14,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланган

Жадвалдан кўринадики, ҳудудлар бўйича инфляция даражаси республика бўйича ўртача даражадан сезиларли фарқ қилади. Вилоятлар

бўйича даромадлар даражаси ва инфляция кўрсаткичлари жадвалда 3 та гуруҳга ажратилди:

**Биринчи гуруҳ:** Аҳоли жон бошига энг юқори даромадли ҳудудлар. Бу ҳудудларга Тошкент, Навоий, Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилоятлари киради Уларда инфляция даражаси республика бўйича умумий инфляция даражасидан юқори шаклланган. Ушбу ҳудудларда республика умумий аҳолисининг 30 фоизи истиқомат қилади. Нисбатан саноат ишлаб чиқариши юқори даражада ривожланган. Фойдали қазилмаларга бой. Аҳоли жон бошига ЯҲМ миқдори 10,4 млн. сўмдан 20,0 млн. сўмга етади. Умумий инфляция 15,3 дан 16,6 фоизгача ташкил этади. Айниқса, озиқ-овқат товарлари инфляцияси юқори.

**Иккинчи гуруҳ:** Аҳоли жон бошига ўртача даромадли ҳудудлар. Бу ҳудудларга Андижон, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари хонадонлари киради Уларда инфляция даражаси республика бўйича умумий инфляция даражаси билан деярли бир хил. Ушбу ҳудудларда республика умумий аҳолисининг 43 фоиздан ортиғи истиқомат қилади. Нисбатан саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланмоқда. Аҳоли жон бошига ЯҲМ миқдори 8,8 млн. сўмдан 9,7 млн. сўмга етади. Умумий инфляция 15,8 дан 15,4 фоизгача ташкил этади.

**Учинчи гуруҳ:** Аҳоли жон бошига кам даромадли ҳудудлар. Бу ҳудудларга Сурхондарё, Наманган, Фарғона ва Қорақалпоғистон республикаси вилоятлари хонадонлари киради Уларда инфляция даражаси республика бўйича умумий инфляция даражасидан паст. Ушбу ҳудудларда республика умумий аҳолисининг 27 фоиздан ортиғи истиқомат қилади. Аҳоли жон бошига ЯҲМ миқдори 8,7 млн. сўмдан 7,8 млн. сўмга етади.

Маълумки, аҳоли даромадлари кишиларнинг табиатан жисмоний ва ақлий қобилиятларидан келиб чиқиб бир-биридан фарқ қилади. Натижада даромадлар нотекис бўлади. Даромадига қараб бой, ўртаҳол ва камбағал тоифаларига ажратилади. Жамиятда инсон саводли, қобилиятли ва эгаллаган малакасига яраша иш билан банд бўлиши, умуман, фойдали фаолият билан

шуғулланиши шарт[11]. Бирок бу ерда фақат аҳоли даромадигина камбағалликка асос бўлади деган хулоса келиб чиқмаслиги зарур. Камбағалликнинг келиб чиқишида иқтисодий, ижтимоий омиллар муҳим ўрин тутди. Камбағаллик ва бойлик муаммоси азалдан мавжуд бўлиб, доимо ижтимоий муаммолар ва зиддиятларни юзага келтиради.

Аммо камбағаллик даромаднинг ёки истеъмол калориянинг камлигига караганда ғоят кенг кўламдаги тушунчадир. Бу-узок, соғлом ва онгли ҳаёт кечириш ҳамда яхши турмуш даражаси, озодлик, кадр-қиймат, ғурур ва ўзгаларни ҳам кадрлаш даражасига эришиш учун кенг кўламда зарур бўладиган имкониятлар ва танлаш ҳуқуқидан маҳрумликдир[12]. Камбағаллик-индивид ёки оиланинг асосий эҳтиёжлари уларни қаноатлантириш учун мавжуд бўлган маблағлардан кўпроқ бўладиган бир ҳолат[13]. Камбағаллик-киши ўзининг асосий эҳтиёжлари учун пул маблағлари етарли бўлмаган, мулк ва бошқа ресурслар билан нисбатан кам таъминланган, моддий ва маънавий эҳтиёжларининг паст даражада қондирилишидир[14]. Юқоридаги фикрлар ўз хусусиятига бўлиб, бизнинг фикримизча камбағаллик-бозор иқтисодиёти шароитида ўзгарувчан даромадлар тенгсизлигининг маҳсули бўлиб, инсонларнинг минимал истеъмоли учун зарур неъматларнинг етарли бўлмаслигини англатади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 736 млн киши ўта камбағаллик шароитида кун кечирмоқда. БМТ камбағаллик чегарасини асосий товар ва хизматлар (озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар жой ҳақини тўлаш, сув билан таъминлаш, электр энергияси, мактаб таълими, тиббий хизмат) учун зарур бўлган даромадлар сифатида белгилайди. Камбағаллик даражаси нисбий тушунча саналади ва муайян мамлакатдаги умумий фаровонлик даражасига боғлиқ бўлади. Камбағаллик мутлоқ ва нисбий каби турларга бўлинади. Мутлоқ камбағалликда кун кечирувчи одамлар биологик тирик қолишни таъминлайдиган минимал эҳтиёжларнигина қондириши мумкин. Ҳукумат маҳаллий органлари аҳолининг кам таъминланган қатламини аниқлаш, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги вазифаларни аниқлаш мақсадида

камбағаллик чегарасини белгилайди. Бунда турли мезонлардан фойдаланилади. Бой мамлакатларда қашшоқлик чегараси, камбағал давлатларга қараганда анча юқоридир.

Дунё мамлакатларидаги инсонларнинг турмуш тарзи, ҳаётидаги тафовутлар ортиб боргани сабабли Жаҳон банки глобал камбағаллик кўрсаткичини вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш заруриятига дуч келди. 2005 йилда банк дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларида қабул қилинган камбағаллик даражаси асосида ана шу кўрсаткични қайта ҳисоблади. Натижада глобал қашшоқлик чегараси 1,25 долларгача кўтарилди. 2015 йилда чегара қайта кўриб чиқилди ва 1,9 долларгача ортди. Бундай ташқари Жаҳон банкида ўртадан паст ва юқори-3,2 доллар, 5,5 доллар ва 21,7 доллар даромадларга эга мамлакатлар учун камбағалликнинг юқори чегаралари қабул қилинди. Банк мутахассислари бу кўрсаткичлар пул мезонларига асослангани ва улар таълим олиш, соғлиқни сақлаш хизматлари ва сув ҳамда электр энергияси билан таъминланганлик каби жиҳатларни ҳисобга олмаслигини таъкидлашади. 1990 йилдан бошлаб ҳар йили Жаҳон банкининг “Камбағаллик ва фаровонлик” маърузалари эълон қилинади. Сўнгги маъруза 2018 йилнинг октябрь ойида чиқарилган. Ундаги асосий кўрсаткич бу қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 доллар миқдорида белгилангани бўлди. Бироқ қашшоқлик бўйича янги таъриф ва ўлчамлар киритилмоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 736 миллион киши (аҳолининг 10 фоизи) ўта қашшоқлик даражасида (кунига 1,9 доллардан кам киримга эга), дунё аҳолисининг деярли ярми-3,4 млрд киши кунига 5,5 доллардан кам тушумга эга[15].

Мамлакатимизда 1991-2019 йиллар давомида “камбағаллик” тушунчаси ўрнига “кам таъминланган аҳоли” термини ишлатилиб, камбағаллик юртимизда кўп йиллар “ёпиқ мавзу” бўлиб келди. Бу эса турли тушунмовчиликларни келтириб чиқарганлиги сир эмас. Ундан олдин эса, собиқ тоталитар тузум шароитида барча инсонларни тенглаштириш, мулкдан маҳрум қилиш, айниқса, тадбиркорлик фаолиятидан узоқлаштириш сиёсати

олиб борилган эди. Ўзбекистонда кам таъминланган аҳоли улуши жами аҳолининг 2009 йилда 19,5 фоизини ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 11,4 фоизни ташкил этди ва 8,1 фоизга камайди[16]. Бу ўзгаришни аҳолининг иқтисодий фаоллиги ортганлиги, ташқи миграция ва мазкур йўналишларда олиб борилган иқтисодий сиёсатни натижаси деб қараш мумкин.

Камбағаллик даражаси иқтисодиётнинг умумий даражасига тескари муносибликда бўлади. Шу сабабли иқтисодиёти кучли мамлакатларда камбағаллик даражаси паст бўлса, иқтисодиёти заиф мамлакатларда у заиф бўлади. Камбағаллик кўрсаткичи иқтисодий ўсишга қараб ўзгаради.[17]

Камбағаллик категориясини доимий ва ўткинчи шакли мавжуд бўлиб, доимийлик-бу кишиларни узоқ вақт камбағаллик ҳолатида қолиб кетиши бўлса, ўткинчилик камбағаллик ҳолатига вақти-вақти билан тушиб туришидир[18]. Доимий камбағаллик сурункали тавсифга эга бўлса, ўткинчи камбағаллик конъюнктуравий бўлади, яъни конъюнктура ноқулай бўлганда у пайдо бўлади, конъюнктура қулайлашгач йўқ бўлиб кетади. Иқтисодиёти заиф мамлакатларда камбағаллик доимий бўлса, иқтисодиёти ривожланган давлатларда бу жараён ўткинчи бўлади. Даромадлардаги тенгсизлик бозор тизимининг белгиси бўлар экан, бу тизимда камбағалларнинг бўлиши объектив ҳодисадир. Шу сабабли камбағалликни тугатиб бўлмайди, лекин унинг миқёси қисқариши мумкин. Камбағалликни уч гуруҳга ажратиш мумкин: а) оддий камбағаллар; б) ўта камбағаллар; в) қашшоқлар[19].

**Оддий камбағаллик** улар топган даромад оиласининг минимал истеъмоли учун зарур бўлган неъматларга етарли бўлмаслиги билан изоҳланади. Улар даромад топувчи бўлсаларда, истеъмол неъматларининг фақат энг зарурларини қоплаш имкониятига эга. Унинг ортиғини қондириш муаммо сифатида кўндаланг туради. Бунда асосий сарф-харажат озиқ-овқат маҳсулотларига, энг арзон кийим-кечакка ва айрим хизмат турларига йўналтирилади. Оддий камбағаллар кўпчилик товар ва хизмат турлари

истеъмолидан махрум бўладилар. Улар ҳаётий фаолиятини тиклаб туришдан ортиқ имкониятга эга бўлмайдилар.

Ижтимоий ҳаётда **ўта камбағаллар** оддий камбағалларга нисбатан янада кам озиқ-овқат, хизмат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли килувчилардан, истеъмолини таъминлаш муаммо бўлаётган қатламдан ташкил топади. Улар асосан озиқ-овқат маҳсулотларига харажат қиладилар холос. Турли хизматлар бўйича тўловлари, хусусан, коммунал хизмат, элетро-энергия, газ, сув ва бошқа тўловлардан қарздорлиги ортиб боради. Бу қатламдагилар даромад миқдорининг асосий қисми фақат минимал ҳаёт кечиришга сарфланади.

Аҳолининг **қашшоқ қатлами** энг минимал истеъмолини ҳам қондиришга имконияти етмайдиган, оч қолиш хавфи чуқурлашиб бораётган ва эртанги кунга бўлган умиди сўниб бораётган кишиларни ўз ичига олади. Улар доимий тушиб турадиган даромад манбаига эга бўлмайдилар. Топган даромадига минимал истеъмолини қондиради, йўғида очликка кўникишга мажбур бўладилар. Ҳатто қашшоқларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари тури истеъмоли таркибан чегараланган бўлиб, улар нон, сув ва айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмоли билан чегараланади. Статистик маълумотларга кўра, 2,8 миллиард киши ёки Ер юзи аҳолисининг қарийб ярми кунига икки АҚШ доллари қийматидан камроқ пулга кун кечирадилар. 1,2 миллиард киши ёки 20 фоизга яқин аҳоли бир доллардан камроқ қийматга эга бўлган пулга яшайдилар. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Бугунги кунда олдимиздаги асосий вазифалардан бири мамлакатимизда камбағалликнинг миллий стандартини (КМС) ишлаб чиқиш ва тегишли меъёрларни белгилаш ҳисобланади. Бизнингча бу борада аҳолининг қуйидаги тоифаларига эътибор бериш керак: Биринчиси, доимий камбағаллар, якка ёлғиз яшовчи, боқувчиси йўқ пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган кўп фарзандли оилалар. Иккинчиси, иқтисодий шароит ва имконият яратилса камбағаллик ҳолатидан чиқиши мумкин бўлган ёшлар, аёллар ва ишсизлар. Учинчиси,

камбағаллик ҳолатига тушиш эҳтимоли юқори бўлган камдаромадга эга бўлган оддий ишчилар ва вақтинча ишсизлар. Айниқса бу тоифа миқдори пандемия даврида тез ортмоқда. Афсуски, биз шу пастгача аксарият фуқароларимиз ҳақиқатан ҳам камбағал экани кўриб-кўрмасликка, эшитиб-эшитмасликка олдик. Бу нотўғри. Афсуски, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал 4-жадвал.

**Ўзбекистонда камбағаллик даражасини ҳудудлар бўйича тақсимланиши (фоиз ҳисобида)**

Ҳудудлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2014 йилга нисбатан %
Қорақалпоғистон Республикаси	28,8	28,3	27,6	26,3	25,9	0,90
Андижон	9,9	9,3	8,7	8,0	7,9	0,80
Бухоро	10,7	10,1	9,3	9,2	8,9	0,83
Жиззах	15,8	15,4	14,8	14,3	14,0	0,89
Қашқадарё	23,5	23,2	22,6	22,4	20,9	0,89
Навоий	14,4	13,9	13,2	12,9	12,2	0,85
Наманган	15,7	15,2	15,0	14,3	14,0	0,89
Самарқанд	10,9	10,2	9,7	9,1	8,6	0,79
Сурхондарё	20,5	20,0	19,7	19,2	18,7	0,91
Сирдарё	18,3	17,7	16,4	16,1	15,3	0,83
Тошкент вилоят	8,5	7,9	7,4	7,0	6,5	0,76
Фарғона	8,4	7,8	7,4	7,3	6,6	0,78
Хоразм	15,1	14,3	13,3	12,9	12,5	0,83
Тошкент шаҳри	1,5	0,9	0,7	0,6	0,4	0,27
Республика бўйича	14,4	13,8	13,2	12,8	12,3	0,85

Манба: Ўзбекистон республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Жадвалдан билиш мумкинки, камбағаллик даражаси, Қорақалпоғистон Республикасида, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида юқори бўлиб, кейинги беш йил давомида амалга оширилган ислохотлар аҳоли камбағаллик даражасида айтарли ўзгаришларга шароит яратмаган. Тошкент шаҳри (0,27 фоиз), Фарғона ва Самарқанд вилоятларида мос равишда (0,78 ва 0,79 фоиз) қисман ижобий ўзгаришлар кузатилган.

Камбағаллик даражаси фоизини аҳоли сонига нисбати орқали аниқ рақамларда камбағаллар сонини билиш мумкин. Республикамизда 2014 йилда 30 млн 492 минг 8 юз нафар аҳоли бўлган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 33 млн. 724 минг. 9 юз нафарни ташкил этиб, олти йил давомида аҳоли сони 3 млн. 232 минг юз нафарга ортди. Ўртача йилига табиий кўпайиш 539 минг нафарни ташкил қилган. Таҳлилларга кўра 2014 йилда аҳоли сони 30.492,8 минг нафарни ташкил этганда камбағаллик 14,4 фоизни ёки 4 млн.39 минг юз нафар кишини ташкил этган бўлса 2018 йилда аҳоли сони 32656,7 минг ташкил этиб камбағаллик 12,3 фоизни ёки 4 млн. 16 минг етти юз нафар кишини ташкил этиб катта ўзгариш сезилмайди.

Мамлакатимизда камбағалликни камайтиришдаги асосий муаммоиқтисодий ўсиш билан камбағалликни камайтириш ўртасидаги боғланиш катта эмаслигида. Натижада аксарият камбағалларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан (1,0-1,3 АҚШ доллари) ошмаяпти. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш, бундай оилаларни ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлар нима бўляпти, деган савол ҳар кун кийнайди. Айни вақтда Қашқадарё вилояти камбағаллик муаммоси бўйича энг оғир ҳудуд ҳисобланади. 700 минг аҳоли камбағал. Бу жаъми аҳолининг қарийб 21 фоизини ташкил этмоқда. Бу вазиятда Қашқадарёда раҳбарлар бир жойда ўтириши мумкин эмас. Шунингдек, Қорақалпоғистон республикасида 500 минг, Сурхондарёда 500 минг, Наманган вилоятида 400 минг, Жиззах вилоятида 210 минг ва Сирдарё вилоятида 130 минг аҳоли камбағал[20].

Демак, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган муаммолар тўпланиб қолган бўлиб, олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар бу муаммоларни ечишга қаратилган. Юқорида таъкидланганидек, камбағаллик чегараси бир киши учун суткасига 3,2 АҚШ доллари миқдорида белгиланган. Агар бу миқдорни бир киши учун бир ойда 96 АҚШ доллар (МБ расмий

курси бўйича 918 минг сўм) ташкил этишини ҳисобга олсак, Ўзбекистон оилалари ўртача сони 4,6 кишини ташкил этиши ва бу чегара бир оила учун 441,6 АҚШ долларини ташкил этиши керак. Бу ўринда Ўзбекистон камбағаллик даражасини аниқлашда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўзининг миллий камбағаллик чегарасини белгилаб олиши талаб этилади.

Бугунги кунда қишлоқ аҳолисида жон бошига пул даромадлари шаҳарларга нисбатан деярли 2 барабар кам. Шунингдек, қишлоқларда саноат кам ривожланган бўлиб иш ўринлари етишмайди. Қариялар, ногиронлар, ишсизлар кўпчилиқни ташкил қилади ва шу сабабли қишлоқда камбағаллик муаммосини ҳал қилиш қийин кечмоқда. Жуда қийин вазиятда бўлган нафақахўрлар ва ногиронлар ҳам чекланган ижтимоий нафақа: пенсия ёки ногиронлик нафақаси бўйича яшашади[21]. Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда камбағалликни камайтириб бориш учун бизнингча, биринчидан, аввало аҳоли даромадларини, уларнинг даромад олиш имкониятларини янада кенгайтириш керак. Бунда аҳолининг пул даромадлари ва харид лаёқатини ошириш, бунинг учун иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақаларни инфляция суръатларидан ошадиган миқдорда ошириш зарур. Иккинчидан, аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни камайтириш учун жамиятда тадбиркорлик руҳини уйғотиш керак, оилавий бюджетни даромадларини оширишнинг энг самарали шаклларида тўморқа ва касаначилиқни ривожлантириш керак. Шу ўринда камбағалликни камайтириш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратишда давлатнинг бош ислохотчилик вазифасини янада ошириш мақсадга мувофиқдир.

## Манба ва адабиётлар:

1. Сен А. К. Свобода, единоголасие и права // Вехи экономической мысли. Том 4. Экономика благосостояния и общественный выбор / Под общ. ред. А. П. Заостровцева.-СПб: Экономическая школа. 2004. (англ. Liberty, unanimity and rights, 1976). Сен А. Идея справедливости.-М.: Изд-во Института Гайдара; Фонд «Либеральная Миссия», 2016. – 520 с. — ISBN 978-5-93255-457-9 (англ. The Idea of Justice, 2010)
2. Эспинг-Андерсен, Гёст (1990). Три мира благосостояния капитализма. Принстон, Нью-Джерси: Princeton University Press. ISBN 9780069028573 .
3. Джеффри Сакс. Конец бедности: экономические возможности нашего времени. — М.: издательство Института Гайдара, 2011. — 424 с. (англ. The End of Poverty: Economic Possibilities for Our Time, 2005).
4. Савченко П.В., Кокина Ю.П. и др. Политика доходов и заработной платы. — М.: Юристъ, 2002
5. Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодийётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари.-Т.:ТМИ,2005
6. Р.Р. Хасанов. Бозор даромадлари: моҳияти, таркибий тузилиши ва табақаланиши. Т.: ТМИ, 2004 й. -192 б.
7. Тожибоева Д. Иқтисодийёт назарияси. -Т.: 2003 йил, Ўқув қўлланма, иккинчи китоб,330-б
8. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг йиллик ҳисоботлари. Т.: 2019 й.
9. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. Узстат. –Т.: 389-б.
10. Хасанов Р.Р. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида даромадлар ва уларнинг табақаланиши. И.ф.д. даражасини олиш учун ёзилган Автореферат. Тошкент, 2005 йил, 34-бет
11. Н. Бекнозов Иқтисодийёт назарияси. Тошкент, 2005 йил, 395-б
12. Минг йиллик маърузаси. (талабалар учун қисқа баён), Т.:, 2003 йил, 13-б
13. Маркетинг терминлари изоҳли луғати. Асосий тушунчалар ва истилоҳлар. Т.:, 2012 йил, 201-б
14. Н. Бекнозов Иқтисодийёт назарияси. Тошкент, 2005 йил, 400-б

- 15.Интернет маълумотлари. [tass.ru /info/ 7525997](http://tass.ru/info/7525997)
- 16.Ўз.Р. Статистика қўмитаси маълумотлари. Жаҳон банки тавсиясига кўра кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичи кунлик 2100 ккал дан келиб чиқиб ҳисобланган
- 17Р.Р. Хасанов Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида даромадлар ва уларнинг табақаланиши. Иқтисоди фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. –Т.: 2005 й. 34-б
- 18А.Ўлмасов, А. Вахобов. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Шарқ”, 2006 йил, 415-бет
19. Р.Р. Хасанов Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида даромадлар ва уларнинг табақаланиши. Иқтисоди фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. –Т.: 2005 й. 34-б
- 20.Ш. Мирзиёев. Тадбиркорликни ривожлантириш ва касбга тайёрлаш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши . Халқ сўзи, Т.: 2020 йил, 28 февраль, №43
- 21.Р.Хасанов, Б.Усмонов Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қисқартириш йўллари. [info@review.uz/](mailto:info@review.uz) /2020 й